



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASINING
BUYRUG'I**

2017 yil “ 8 ” апрел

№ 190

Toshkent sh.

**Якуний назоратларда тест синовларини
қўллаш тўғрисида**

Бакалаврият таълим йўналишлари оралиқ ва якуний назоратларида тест синовларини ўтказиш учун тест саволларини тузиш, синовларни ошкора ва адолатли ташкил этиш мақсадида

БУЮРАМАН

1. Бакалаврият таълим йўналишларида рейтинг Низоми талабларидан келиб чиқган ҳолда 40% фанлардан якуний назоратлар тест синовлари шаклида ўтказилсин;
2. Тест синовлари якуний назоратларда тест марказида ўтказилиши таъминлансин;
3. Тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби Низоми 1 – иловага асосан тасдиқлансин;
4. Тест синовларини ташкил этиш ва ўтказишда ўқув бўлими, деканатлар ва кафедра мудирлари тест маркази билан келишилган ҳолда ҳар бир бўғин ўз вазифасини талаб даражасида бажариши таъминлансин.

Асос : Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг Низоми.

Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш ўқув ишлари проректори Тешаев О.Р. зиммасига юкланади.

Ректор

Л.Н. Туйчиев

КИРИТИЛДИ:

Ўқув бўлими мудирлари

Ф.Х. Азизова

Ўқув ишлари проректори

О.Р. Тешаев

КЕЛИШИЛДИ:

Даволаш факультети декани

Б.Т. Холматова

Тиббий педагогика факультети декани

А.А. Хамроев

Тиббий профилактика факультети декани

М.У. Кульманова

Олий маълумотли ҳамширалар

Ш.Х. Бакиева

Малака ошириш факультети декани

А.А. Ирназаров

Хуқуқшунос

А.А. Алимов

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тошкент тиббиёт академияси ректори,

Профессор Туйчиев Л.Н. _____

“ _____ ” _____ 2017 й.

“ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА”

Н И З О М

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги 2009 йил 11 июндаги 204-сонли, 2010 йил 25 августдаги 333-сонли, 2013 йил 13 декабрдаги 470-сонли ва 2014 йил 26 декабрдаги 14 -сонли буйруқлари ва Низомларига асосан Тошкент тиббиёт академияси (кейинчалик – ТТА) ректорининг 2016 йил 26 ноябрдаги 400-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Тошкент тиббиёт академияси талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом асосида тузилган.

Олий тиббий таълим муассасаларида талабаларнинг билим ва эгаллаган амалий кўникмаларини баҳолаш усулларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш бугунги кун талабидир. Билим ва кўникмаларни баҳолашнинг мавжуд анъанавий усуллари (оғзаки, ёзма ва ОСКИ синовлар) талабаларнинг клиник компетентлиги, уларнинг беморлар билан мулоқот, реал клиник вазиятларда эгалланган кўникмаларини баҳолаш имконини беради. Бироқ талабалар билимини баҳолашнинг объективлигини ошириш, уларда фан бўйича минимал билимлар даражасини аниқлаш ва фаннинг барча бўлимлари, мустақил иш мавзуларини ўзлаштириш даражасини аниқлашда тест синовлари ҳам катта аҳамиятга эга.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Талабалар билимини назорат қилиш ва тест синовлари орқали баҳолашдан мақсад таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, талабаларнинг фанларни ўзлаштиришида минимал билимларни эгаллаганлиги ва баҳолашда объективлик даражасини оширишдан иборат.

1.2. “Тошкент тиббиёт академияси талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низомга асосан ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 балли тизимда бутун сонлар билан баҳоланади.

Ушбу 100 балл назорат турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

Жорий назорат+ТМИ	- 50 балл
оралиқ назорат	- 20 балл
якуний назорат	- 30 балл

ЖАМИ 100 балл

1.3. Фанлар бўйича ЯН бир ёки 2 босқичдан ўтказилиши мумкин, ЯН икки босқичда ўтказилганда ҳар бир босқич 15 баллдан иборат бўлади.

- 1.4. Талабалар билимини рейтинг тизимида баҳолашнинг «тест синовлари» орқали баҳолаш, оралиқ назорат, якуний назорат ва Давлат аттестациялари босқичларида амалга оширилиши мумкин.
- 1.5. Фан бўйича якуний баҳолаш ва Давлат аттестацияларида «тест синовлари» усулини қўллаш ТГА ректори буйруғи билан ўқув йили бошланишидан олдин белгиланади (ўқув режаси бўйича семестрда яқунланаётган фанларнинг 40%дан кам бўлмаган ҳолда), бошқа фанлардан ЯБ турини ўтказиш (оғзаки, ОСКИ, химоя, тест ва хоказо) Академия Марказий Услубий Кенгаши томонидан тавсия этилади ва ректор буйруғи билан тасдиқланади.
- 1.6. Тест синовлари марказлашган ҳолда тест марказида ўтказилади.
- 1.7. Тест марказини Марказ директори бошқаради. Марказ директори тўғридан-тўғри ўқув ишлари проректорига бўйсунди.
- 1.8. Якуний назоратнинг тест синовлари академия тест марказида “My test” дастури орқали ўқув бўлими томонидан ҳар ойда тузиладиган режа асосида ўтказилади;
- 1.9. Тест синовларини ташкил этишда компьютерларнинг техник ҳолатига ва дастурий (“My test”) таъминотига академиянинг Ахборот ресурслар маркази жавобгар ҳисобланади;
- 1.10. Тест марказида тест синовларини сифатли ташкил этиш, тест ўтказиш хоналарида тартибни сақлаш, холислик ва ошкораликни таъминлаш учун ўқув бўлими ва кафедралардан назоратчилар таъминланади.
- 1.11. ЯН тест синовлари шаклида ўтказиш тавсия этилган фанларда ЯН бир босқичдан иборат бўлса 30 баллдан, икки босқичдан иборат бўлса 15 балли тест синовларига ажратилади, қолган 15 балл эса бошқа синов турлари (Оғзаки сўров, ёзма иш, ОСКИ) шаклида кафедранинг ўзида ўтказилади.
- 1.12. ЯНда тест синовлари режалаштирилмаган фанларда ҳар иккала босқич кафедрада ўтказилади.

II. ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Тест синовлари ўтказиладиган фанлар бўйича тест саволларини тегишли кафедра профессор-ўқитувчилари тузишади. Тест саволлари сони тегишли фанга ажратилган умумий соатлардан келиб чиқиб ҳар бир соатга камида 5та тест саволи тузилиши шарт.

2.2. Тест саволларини сони, тури, сифати, ДТСга мослиги ва фаннинг ўқув дастурини тўла қамраб олишини аниқлаш учун эксперт текширувидан ўтказилади.

- 2.3. Эксперт гуруҳи ўқув бошқармаси ва факультет деканларининг тавсияси билан ректор томонидан тасдиқланади.
- 2.4. Тест саволларининг 40% бир жавобли, 30% икки жавобли, 20% 3 жавобли ва 10% мураккаб, кўп жавобли ёки расмий тестлардан иборат бўлиши тавсия этилади;
- 2.5. Яқин назоратни тест синовларини ўтказишда фаннинг ўқув режадаги умумий юкмасидан қатъий назар ҳар бир вариантда 25та савол киритилади ва 25 минут вақт берилади.
- 2.6. Тест саволларининг барча талабларга жавоб беришини таъминлаш шахсан кафедра мудирига юклатилади.
- 2.7. Тест саволлари тест марказига тақдим этилади. Тест маркази директори эксперт гуруҳига беради. Эксперт гуруҳи ҳулосасига кўра тест саволлари қайта тўлдирилиши ёки синовларга қўйилиши мумкин.
- 2.8. Тест саволларини барча фанларнинг ўқув-услубий мажмуасига киритилиши ва талабалар учун очиқ бўлишини таъминлашга кафедра мудири масъул ҳисобланади.

III. ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ

- 3.1. Тест синовларига талабалар жадвал асосида кафедранинг масъул ходими бошчилигида келадилар. Кафедра ходими тест синовларига кириши мумкин бўлган талабаларнинг ЖН ва ОН баҳолари қўйилган қайдномадан 2 нусхани марказ директори тақдим этади.
- 3.2. Кафедра томонидан берилган қайднома, кафедра мудири, дарс олиб борган ўқитувчи ва декан муовини имзолаган бўлиши зарур.
- 3.3. Тест синовлари жадвали барча факультетларнинг 1-3- курслари (ОМХ факультетида фақат 1-2 курслар) учун семестр тугашидан 1 ой олдин, 4 ва ундан юқори курсларда цикл тугашига кўра ҳар ойда бир марта ўқув бошқармаси томонидан тузилади ва ўқув ишлари проректори томонидан тасдиқланади. Барча тест синовлари жадвал асосида ўтказилади. Тест синовлари жадвалиги ўзгартириш киритиш қатъиян ман этилади (истесно сифатида узурли сабабларга кўра ўқув ишлари проректори рухсати билан ўзгартириш киритилиши мумкин).
- 3.4. Талабалар тест марказига талабалик гувоҳномаси ва паспорти билан келиши шарт. Юқоридаги ҳужжатлари бўлмаган талабалар тест синовларига киритилмайди. Тест марказига талабалар белгиланган муддатда етиб келиши ва рўйхат асосида киритилиши зарур.
- 3.5. Тест синовларига талабалар уяли телефонларини ўчирган ҳолда киришлари керак. Тест топшириш давомида уяли телефондан фойдаланиш қатъиян ман қилинади.
- 3.6. Уяли телефон, шпаргалга ва бошқа ахборот технологияларидан фойдаланган талабалар тест синовларидан четлаштирилади ва тест натижалари бекор қилинади.

3.7.Тест синовлари якунлангач тест натижалари бўйича қайднома 3 нусхада расмийлаштирилади. Бир нусхаси кафедра масъул ходимига берилади, иккинчи нусхаси ўқув бошқармасига ва учинчи нусхаси тест марказида қолдирилади.

3.8.Ўқув бошқармаси кафедра ва тест марказидан олинган маълумотларга асосан фан бўйича якуний қайднома чиқаради. Якуний қайднома 3 нусхада расмийлаштирилади. Бир нусхаси ўқув бошқармада сақланади, иккинчи нусхаси кафедрада ва учинчи нусхаси деканатга топширилади.

3.9.Тест синовларидан қониқарсиз баҳо (55 баллдан паст) олган талабаларга Низом талабаларига биноан қайта топширишга рухсат берилади. Қайта топширишга рухсат декан тавсиясига кўра ўқув ишлари проректори тасдиқлаган фармойиши асосида амалга оширилади.

IV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

4.1.Тест маркази директори тест синовларининг холис, адолатли ўтказилишини таъминлайди ва унинг натижаларига ҳамда ушбу Низом талабларининг тўла тўқис бажарилишига шахсан жавобгар ҳисобланади

4.2.Ушбу Низомда белгиланган масалалар бўйича келиб чиққан низомлар Рейтинг низоми, “Таълим тўғрисида”ги қонун, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ТТА ректори буйруқлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.